

## Пудрат шартномаси №2

2022 йил “25” апрел

Тошкент шаҳар

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган “**J T S B M Q T M O I**” номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи директори И.Турсуналиев бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “**ADBA BUILD**” МЧЖ номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи директор П.Садиқов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини қуйидагилар тўғрисида туздилар.

### I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар қўлланилади:

**“ижро ҳужжатлари”**: — натура шаклида бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини, ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, бажарилган ишлар тўғрисида далолатномалар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

**“қурилиш майдони”**: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

**“вақтинчалик ишлар”**: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур бўлган ҳар хил типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**“беркитилган ишлар”**: — сифати ва яқунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**“шартномани нархини бўлиб чиқиш”**: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома объектини умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома предмети

2.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ “Институт ётоқхона биносини жорий таъмирлаш бўйича” ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса ишларни қабул қилиш ва бажарилган ишлар учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома баҳоси

3.1. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг (2022 йил “21” апрелдаги 69061-сон баённома) баёнига кўра тасдиқланган қиймати ҚҚС билан жами **336 607 482 (уч юз ўттиз олти миллион олти юз етти минг тўрт юз саксон икки)** сўмни ташкил этади.

### IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни ушбу шартномада ҳамда унинг 1-сонли иловасига мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигидан аванс маблағи молиялаштирилган кундан сўнг шартнома бўйича бажарилиши лозим бўлган ишларнинг энг камида 100 (%) фоизини ўз кучи ҳамда маблағлари ҳисобидан бажариш.

4.2. Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ бажарилган ишларни ўз вақтида, далолатномалар асосида топшириш.

4.3. Қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш.

4.4. Қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш.

4.5. Буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш.

4.6. Қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

4.7. Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзолангандан бошлаб, бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, қурилиш буюмлари, конструкциялар, қурилиш чиқиндилари ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш.

4.8. Қурилиш майдони кўриқланишини таъминлаш.

4.9. Қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни ижтимоий ҳимоя ва техника-хафсизлиги қоидалари ва карантин қоидалари билан таништириш ҳамда таъминлаш.

4.10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавобгар ҳисобланади.

4.11. Буюртмачидан хабарнома олган ва пудрат шартномаси томонлар иштирокида имзоланган санадан бошлаб объектда жорий таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга киришади.

## V. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб етти (7) кун муддатда иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома асосида Пудратчига топшириш.

5.2. Қурилиш ишлари бажарилиши устидан доимий техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа вазифаларга риоя этилишини назорат қилиш.

5.3. Пудратчидан бажарилган ишларни қабул қилиб олиш.

5.4. Молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига мазкур шартномага 2-сонли иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш.

5.5. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. Ишларни бажариш муддати

6.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1-сонли иловасидаги ишларни бажариш жадвалига мувофиқ, қурилиш объекти ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган тартибда қабул қилиб олинган куннинг эртасидан бошлаб объектда қурилиш-монтаж ишларини бажаришга киришади.

6.2. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан (электрон) рўйхатдан ўтган кундан эътиборан 60 кунни ташкил этади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан (электрон) рўйхатдан ўтгандан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 (%) фоизи миқдоридан, аванс ўтказди, бу жами **100982244.6** (бир юз миллион тўққуз юз саксон икки минг икки юз қурғу тўрт сўм 6 тишан) сўмни ташкил этади. Қолган 70% маблағлар бажарилган ишларга асосан молиялаштирилади.

7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

7.3. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ шартноманинг 100 (%) фоизи доирасида амалга оширилади, бу **336 607 482** (уч юз ўттиз олти миллион олти юз етти минг тўрт юз саксон икки) сўмни ташкил этади.

7.4. Объект фойдаланишга Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.5. Буюртмачи мазкур шартнома билан ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларини шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани томонларнинг келишувига мувофиқ бекор қилиши мумкин. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

### **VIII. Ишларни бажариш**

8.1. Буюртмачи қурилиш объектида ўз вакилини - Техник назорат бўйича мутахассисини тайинлайди, техник назорат бўйича мутахассис Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник назорат бўйича мутахассис ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи Техник назорат бўйича мутахассис ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник назорат бўйича мутахассис Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш объектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда иштирок этади.

8.4. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Пудратчи объектида қурилиш ишларни Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси назорати остида олиб боради.

8.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни, техника хавфсизлигини таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Пудратчи қурилиш объектида ишлар сифати, қўлланилган қурилиш материаллари сарфланиши, қурилишдаги ўлчамлар тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавобгар ҳисобланади. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ишларида хатоликлар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

8.8. Пудратчи қурилиш объектидаги ишларида ўрнатиладиган жихозлар, сарфланган материаллар жойлашиш схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома асосида Буюртмачига беради.

8.9. Қурилиш объектида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.9.1. Пудратчи томонидан қурилиш жараёнида лойиҳа ташкилоти томонидан лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда йўл қўйган камчиликлар аниқланган ҳолатда зудлик билан буюртмачини ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

8.9.2. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.9.3. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 (икки) кун олдин Пудратчи Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилади.

8.9.4. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан мазкур конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларда беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.9.5. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги босқич бошқа ишларни бажаришга киришади.

8.9.6. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақида хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.9.7. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тuzата олмаса, Пудратчи уларни тuzатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига қоплайди.

8.9.8. Пудратчи қурилиш объектини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.9.9. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтаридан ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

## **IX. Ишларни кўриқлаш**

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулкни зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

9.2. Битказилган ёки таъмирланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **X. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбуриятлар**

10.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар: коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган хати-ҳаракатларни амалга оширмаслик; шу жумладан пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки бевосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида “J T S B M Q T M O I” ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муайян ҳаракатларни бажармаслиги шарт.

Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар.

## **XI. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

11.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган кучлар натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар шартнома мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари

амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

11.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

11.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномани бир томонлама бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **XII. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тартиби**

12.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

12.2. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 15 иш куни мобайнида қабул қилиб олинади.

12.3. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ Буюртмачига белгиланган тартибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

12.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **XIII. Кафолатлар.**

### **Пудратчи:**

13.1. Барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни.

13.2. Лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини.

13.3. Пудратчи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини.

13.4. Ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини.

13.5. Объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

13.6. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида **12** ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида **12** ой этиб белгиланади.

13.7. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади. Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

13.8. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## **XIV. Шартномани бекор қилиш.**

### **Буюртмачи:**

14.1. Мазкур шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда.

14.2. Ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолларда.

14.3. Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда.

14.4. Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

14.5. Пудратчи курилиш жараёнида лойиҳа ҳужжатларидан ва меъёрий талаблардан четга чиққан ҳолда буюртмачининг розилигисиз асоссиз лойиҳа ҳужжатларида кўзда тутилмаган қўшимча курилиш-монтаж ишларини бажарганда.

#### **Пудратчи:**

14.6. Ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда.

14.7. Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

14.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилинганда, Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган курилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

14.9. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қонунсиз мувофиқ иккинчи томонга 3 кун олдин ёзма билдиришнома юборади.

14.10. Шартнома тарафларнинг бирортасини айби билан бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

14.11. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги.**

15.1. Томонлардан бири шартномада кўрсатиб ўтилган мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

15.2. Мазкур шартноманинг 2-иловасида кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги учун Буюртмачи Пудратчига мажбуриятнинг бажарилмаган қисми доирасида кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.4 (%) фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 (%) фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш тарафларни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

15.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган ишлар суммасининг 5 (%) фоизи миқдорида жарима тўлайди.

15.4. Пудратчи шартноманинг ажралмас қисми 1,2-иловаларда келтирилган (1-илова “Объектда бажариладиган курилиш-монтаж ишлари жадвали”, 2-илова “Объект курилишини молиялаштириш графиги”) жадваллар асосида бажарилган курилиш таъмирлаш ишлари тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойнинг 1 (биринчи) санасидан 5 (бешинчи) санасига қадар 2 (икки) нусхада тайёрлайди ва имзоланган ҳолда 1 (бир) нусхасини Буюртмачига тақдим қилади, иккинчи нусхаси Пудратчида сақланади.

Пудратчи мазкур шартномада белгилан мажбуриятларини бажармаганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 (%) фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси шартнома умумий қийматининг 50 (%) фоизидан ошмаслиги лозим. Бундан ташқари Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.4 (%) фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 (%) фоизидан ошмаслиги керак. Пеня

тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

15.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 10 (%) фоизи миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

15.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жавобгарлик чораларидан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни ҳам қоплайди.

15.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

#### **XVI. Низоларни ҳал этиш тартиби.**

16.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалалар ўзаро келишув асосида ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда, низо қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

#### **XVII. Алоҳида шартлар.**

17.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

17.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

17.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

17.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

17.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

17.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

17.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

17.8. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

17.9. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

#### **XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари.**

**Буюртмачи**

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича  
мутахассисларни қайта тайёрлаш ва  
малакасини ошириш институти

Манзил: Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани  
100042, Кўкча дарвоза кўчаси 27-уй  
Тел: 71242-30-96  
Ш/р: 400110860262777096200245001  
СТИР: 302436579  
ОКОНХ: 92200  
Молия вазирлиги ғазначилиги  
Х/р: 2340-2000 3001 0000 1010  
МФО: 00014  
Тошкент ш. МБ ББ ХККМ СТИР: 201122919

Директор  И.Турсуналиев

Бош юрисконсулт  Ж.Бойтемиров



**Пудратчи**

**“ADBA BUILD”МЧЖ**

Манзил: Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек  
тумани Феруза кучаси 32-уй 37-хонадон  
Тел./факс (99894)133-09-75  
(х/в ёки шҒХ) 20208000705185711001

Банк номи Унверсалбанк фарғона ф-л

МФО01131 СТИР 307170623 ИФУТ

Рахбар  П.Садиков







Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ADBA BUILD" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ADBA BUILD" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

25.02.2020

819861

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

307170623

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Farg'ona viloyati, O'zbekiston tumani, Islom, MUSTAQILLIK KO'CHASI, 21  
UY,

Guvohnoma:

Farg'ona viloyati, O'zbekiston tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxaldan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 69061 на приобретение Услуги по текущему ремонту

Способ проведения электронный

Дата 21.04.2022

Время рассмотрения 21.04.2022 09:37

Конкурсная комиссия Центр научно-методического обеспечения, переподготовки и повышения квалификации специалистов физической культуры и спорта при УзГИФК, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	USMONOV AKSAM RASHIDOVICH	Bolim boshlig'i	JISMONIY TARBIYA VA SPORT BO'YICHA MUTAXASSISLARNI QA YTA TAYYORLASH VA MALAKASINI OSHIRISH INSTITUTI
<b>Секретарь комиссии</b>	YULDOSHOV AKBAR BOBOMUROD O'G'LI	Бугалтер	JISMONIY TARBIYA VA SPORT BO'YICHA MUTAXASSISLARNI QA YTA TAYYORLASH VA MALAKASINI OSHIRISH INSTITUTI
<b>Член комиссии</b>	BOYTEMIROV JASURJON MUXTAROVICH	Yurist	JISMONIY TARBIYA VA SPORT BO'YICHA MUTAXASSISLARNI QA YTA TAYYORLASH VA MALAKASINI OSHIRISH INSTITUTI
<b>Член комиссии</b>	NURIDDINOV ASLIDDIN HUSNIDDIN O'G'LI	Bo'lim boshlig'i	JISMONIY TARBIYA VA SPORT BO'YICHA MUTAXASSISLARNI QA YTA TAYYORLASH VA MALAKASINI OSHIRISH INSTITUTI
<b>Член комиссии</b>	SHARIPOV KABILDJAN ZIYAVITDINOVICH	Завхоз	JISMONIY TARBIYA VA SPORT BO'YICHA MUTAXASSISLARNI QA YTA TAYYORLASH VA MALAKASINI OSHIRISH INSTITUTI
<b>Член комиссии</b>	NAZAROV SOBIR USMONOVICH	Uqituvchi	JISMONIY TARBIYA VA SPORT BO'YICHA MUTAXASSISLARNI QA YTA TAYYORLASH VA MALAKASINI OSHIRISH INSTITUTI

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 21.04.2022 года № лота 69061.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту нежилых зданий</b>
Подробное описание	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	340 546 139.00
Стартовая сумма	340 546 139.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Транспортные расходы % от стоимости строительных материалов

Тип: Текстовое значение

Описание: Не более 5% Наибольший балл присваивается наименьшему значению показателя. Оценка: Набранный балл = (Минимальное значение показателя / Оцениваемое значение показателя)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО АDBА BUILD	10	336607482	8	Экспертная		
ЧП КОМРОН PARDOZ SERVIS	10	бор	6	Экспертная		

Критерий №2 Срок гарантии на работы по гидроизоляции, не менее 5 лет

Тип: Текстовое значение

Описание: Срок гарантии на работы по гидроизоляции, не менее 5 лет

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО АDBА BUILD	2	336607482	2	Экспертная		
ЧП КОМРОН PARDOZ SERVIS	2	БОР	1	Экспертная		

Критерий №3 Срок гарантии на механизм замка, не менее 3х лет

Тип: Текстовое значение

Описание: Срок гарантии на механизм замка, не менее 3х лет

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО АDBА BUILD	2	336607482	2	Экспертная		
ЧП КОМРОН PARDOZ SERVIS	2	БОР	1	Экспертная		

Критерий №4 Прочие затраты подрядчика %

Тип: Текстовое значение

Описание: Не выше статистических показателей адресной регистрации участника. Наибольший балл присваивается наименьшему значению показателя. Оценка: Набранный балл = (Минимальное значению показателя / Оцениваемое значению показателя)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО АDBА BUILD	10	336607482	7	Экспертная		

Критерий №5 Срок гарантии на отделочные работы не менее 12 месяцев

Тип: Текстовое значение

Описание: Срок гарантии на отделочные работы, не менее 12 месяцев

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО АDBА BUILD	3	336607482	3	Экспертная		
ЧП КОМРОН PARDOZ SERVIS	3	БОР	2	Экспертная		

Критерий №6 Наличие контактного регионального менеджера

Тип: Текстовое значение

Описание: Участник должен подтвердить наличие контактного регионального менеджера

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО АDBА BUILD	2	336607482	2	Экспертная		
ЧП КОМРОН PARDOZ SERVIS	2	БОР	1	Экспертная		

Критерий №7 Срок гарантии на кровельные материалы и работы из изол/фальгоизол, не менее 5 лет

Тип: Текстовое значение

Описание: Срок гарантии на кровельные материалы и работы из изол/фальгоизол, не менее 5 лет

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО АDBА BUILD	2	336607482	2	Экспертная		
ЧП КОМРОН PARDOZ SERVIS	2	БОР	1	Экспертная		

Критерий №8 Квалификационный отбор

Тип: Текстовое значение

Описание: Участник должен предоставить информацию согласно Приложению №1. "Анкета участника/Общая информация об участнике", Приложению №2. "Гарантийное письмо", Приложению №3. "Заявление по недопущению коррупционных проявлений"

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО АDBА BUILD	10	336607482	8	Экспертная		
ЧП КОМРОН PARDOZ SERVIS						

Критерий №9 Опыт работы по ремонту и техническому обслуживанию объектов связи не менее 1 года

Тип: Текстовое значение

Описание: Участник должен подтвердить наличие опыта по выполнению аналогичных работ не менее 1 года

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО АDBА BUILD	10	бор	5	Экспертная		
ЧП КОМРОН PARDOZ SERVIS	10	бор	3	Экспертная		

Критерий №10 Показатель затрат труда / чел. часа без учета соц.страха

Тип: Текстовое значение

Описание: Показатель затрат труда / чел. часа без учета соц.страха Наибольший балл присваивается наименьшему значению показателя. Оценка: Набранный балл = (Минимальное значение показателя / Оцениваемое значение показателя)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО АDBА BUILD	5	336607482	5	Экспертная		
ЧП КОМРОН PARDOZ SERVIS	5	бор	4	Экспертная		

Критерий №11 Срок гарантии на кровельные материалы и работы, не менее 5 лет

Тип: Текстовое значение

Описание: Срок гарантии на кровельные материалы и работы, не менее 5 лет

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО АDBА BUILD	2	336607482	2	Экспертная		
ЧП КОМРОН PARDOZ SERVIS	2	бор	1	Экспертная		

Критерий №12 Проверка контрагента по сведениям из банка

Тип: Текстовое значение

Описание: Сведения из Банка, с информацией об отсутствии/наличии обязательств перед Банками (кредиты, банковская гарантия, аккредитивы, поручительства), ареста на счете контрагента, либо приостановления операции по счету, либо наложение ареста на определенную денежную сумму по решению органов следствия, дознания, прокуратуры, Департамента судебных исполнителей либо по определению Суда Республики Узбекистан, а также платежных требований по картотеке 1 (Расчетные документы, ожидающие акцепта для оплаты) и картотеке 2 (Расчетные документы, не оплаченные в срок).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО АDBA BUILD</b>	10	336607482	8	Экспертная		
<b>ЧП КОМРОН PARDOZ SERVIS</b>	10	бор	7	Экспертная		

Критерий №13 Срок гарантии на используемый линолеум, не менее 3х лет

Тип: Текстовое значение

Описание: Срок гарантии на используемый линолеум, не менее 3х лет

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО АDBA BUILD</b>	2	336607482	2	Экспертная		
<b>ЧП КОМРОН PARDOZ SERVIS</b>	2	бор	1	Экспертная		

Критерий №14 Наличие необходимых финансовых, материальных ресурсов для исполнения договора

Тип: Текстовое значение

Описание: Участник должен предоставить финансовые показатели компании, отчет о финансовых результатах (балансовых отчетов) по Форме 1 и Форме 2 за 2019 - 2021года

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО АDBA BUILD</b>	10	336607482	10	Экспертная		
<b>ЧП КОМРОН PARDOZ SERVIS</b>	10	бор	6	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>ЧП КОМРОН PARDOZ SERVIS</b>	340 546 139.00	338 500 000.00	19.04.2022 18:41:08	19.89
<b>ООО АDBA BUILD</b>	340 546 139.00	336 607 482.00	19.04.2022 11:44:30	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ЧП КОМРОН PARDOZ SERVIS</b>	48	19.89	67.89
<b>ООО АDBA BUILD</b>	66.4	20	86.4

определила победителем:

ООО ADVA BUILD  
307170623

и резервный исполнитель: ЧП KOMRON PARDOZ SERVIS (301000814)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Член комиссии</b>	NAZAROV SOBIR USMONOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SHARIPOV KABILDJAN ZIYAVITDINOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	BOYTEMIROV JASURJON MUXTAROVICH	Согласен	
<b>Председатель комиссии</b>	USMONOV AKSAM RASHIDOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП